HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil 13-sentyabr
CHORSHANBA
№ 67 (13626)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

## “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси қабул қилинганлиги Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг конституциявий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ўтказилган президентлик сайлови яна бир бор жамиятимизнинг сиёсий етуклиги, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларни халқимиз тўлиқ қўллаб-қувватлаганидан далолат бермоқда.

Шу билан бирга, янгиланган конституциявий-ҳуқуқий шароитларда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини такомиллаштириш ва амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқиш талаб этилмоқда.

Халқимизнинг **эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистон**ни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодиётни шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида:

1. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Ўзбекистон – 2030”** стратегиясида қуйидаги **асосий ғоялар** акс эттирилганлиги инобатга олинсин:

барқарор иқтисодий ўсиш орқали **даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан** ўрин олиш;

**аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга** тўлиқ жавоб берадиган **таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя** тизимини ташкил қилиш;

аҳоли учун **қулай экологик шароитларни** яратиш;

халқ хизматидаги **адолатли ва замонавий** давлатни барпо этиш;

мамлакатнинг **суверенитети ва хавфсизлигини** кафолатли таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини** амалга ошириш ва унинг **мақсадли кўрсаткичларига** эришиш барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида энг устувор вазифа этиб белгилансин ҳамда бу бўйича уларнинг биринчи раҳбарларига **шахсий масъулият** юклансин;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** доирасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган ва амалга оширилиши давом этаётган, ўз аҳамиятини йўқотмаган барча мақсадларга эришиш ва долзарб вазифалар бажарилиши таъминлансин.

3. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси** (кейинги ўринларда – Республика комиссияси) таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси (А.Арипов) зиммасига:

а) **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг** тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини ташкил этиш, шунингдек, уни амалга ошириш бўйича тегишли йиллик дастурларни тайёрлаш ва ижросини мувофиқлаштириш;

б) **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасидаги** ислоҳотлар бўйича тадбирларнинг аҳоли томонидан билдирилган фикр ва ташаббуслар асосида сифатли амалга оширилиши, белгиланган кўрсаткичларга эришилишини назорат қилиб, натижаси юзасидан **ҳар ярим йилда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилишини таъминлаш;

в) **икки ой муддатда**:

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг **жойларда амалга оширилиши натижалари** танқидий ўрганилишини;

аҳоли ўртасида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш **натижалари кенг муҳокама қилиниши, фуқароларнинг мазкур масала бўйича таклифлари тизимлаштирилган** ҳолда таҳлил этилишини;

ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган тизимли омилларни аниқлаш ва **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш** доирасида уларнинг олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўрилишини таъминлаш вазифалари юклансин.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида** қуйидаги **устувор йўналишлар** белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш;

барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш;

сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш;

“хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш.

2. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш** йўналиши доирасида:

а) **2024 йил 1 январдан бошлаб**:

давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчиларига оқсил, **витамин ва минераллар билан бойитилган сут, йод билан тўйинтирилган нон маҳсулотлари** берилиши йўлга қўйилсин;

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир ва Хонқа туманларида эксперимент тариқасида, барча бошланғич синф ўқувчилари **таълим планшетлари билан** таъминлансин, келгусида мазкур тажриба республиканинг барча ҳудудларида босқичма-босқич жорий этилсин;

банкларнинг **нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари фаолиятини йўлга қўйиш** учун миллий валютада ажратиладиган, қиймати **20 миллиард сўмгача бўлган кредитлар** бўйича, фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, лекин унинг **1,5 бараваридан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун** Давлат бюджети ҳисобидан **компенсация** тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилсин;

б) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** умумий ўрта таълим муассасаларининг касб-ҳунар эгаси бўлиш истагидаги 10-синф ўқувчилари учун **тегишли ҳудудларда талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўргатиш курслари** жорий этилсин.

Бунда, дастлабки босқичда ушбу тартиб **зарур кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасига эга** бўлган ҳамда **Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан белгиланган** умумий ўрта таълим муассасаларида жорий этилсин;

в) **2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар умумий ўрта таълим муассасалари учун **“таянч мактаб” этиб** белгилансин.

Бунда, умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари “таянч мактаблар” томонидан **янги таълим дастурлари, дарс ўтишнинг илғор методикалари ва ўқувчи билимини баҳолашнинг замонавий усулларига** ўргатилади.

3. Белгилансинки, **2024 йил 1 январдан бошлаб**:

**онкогематологик касалликларга чалинган болалар** учун Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази ҳамда Болалар миллий тиббиёт марказида **гемотопоэтик суяк кўмиги ўзак ҳужайралари трансплантацияси амалиёти** жорий этилади;

**вирусли гепатитнинг “С” тури** билан касалланган беморларни ҳамда гемотопоэтик суяк кўмиги **ўзак ҳужайралари трансплантацияси** муолажасига муҳтож **онкологик касалликларга чалинган болаларни тўлиқ Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан даволаш йўлга қўйилади.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб оғир ҳаётий вазиятга тушган** ёки **тушиш хавфи юқори бўлган** ҳар бир оила бўйича алоҳида **“ижтимоий хизмат иши”ни** юритиш тартиби амалиётга жорий этилади. Бунда, ушбу оилаларда **шароитни яхшилаш**, уларга **даволаш**, **дори воситалари билан таъминлаш**, **фарзандларини мактабгача ва мактаб таълими ташкилотларига жойлаштириш**, **моддий ёрдам бериш** каби ижтимоий хизматлар кўрсатиш назарда тутилади;

(Давоми 2-саҳифада)

Назорат

## ЗОНАЛАР КИЧИК, ИМКОНИЯТЛАРЧИ?

**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Ўрта Чирчиқ, Оққўрғон ва Янгийўл туманларида ташкил этилган кичик саноат зоналарининг ҳолати, киритилаётган инвестициялар, яратилган иш ўринлари ва солиқ тушумлари борасида танқидий-таҳлилий ўрганишлар олиб борди.**

Жараёнда ишлар ҳолати ва ҳудудий ҳокимликлар, бошқарма ва ташкилотлар томонидан бу борада олиб борилаётган ишларнинг талаб даражаси кўздан кечирилди.

Аниқланишича, аксарият лойиҳаларда экспертизадан ўтказилмасдан ўзбошимчалик билан қурилишлар амалга оширилган. Бир ой муддатда мазкур лойиҳа қурилишларни давлат экспертизасидан ўтказиш зарурлиги белгиланди. Шунингдек, тендер танловлари орқали ажратилган ва аукционда сотиб олинган лотларни хатловдан ўтказиш ҳамда бўш турган, фойдаланилмаётган ер майдонлари ва бино-иншоотларни оптимизация қилган ҳолда аукцион савдоларига чиқарилишини таъминлаш чоралари кўриладиган бўлди.

Тадбиркорлар билан мулоқотларда ҳам кўплаб масалаларга ечим изланди. Ҳудудда янги татбиқ қилинаётган лойиҳаларнинг тақдимотлари ҳам бўлди.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

Бу ҳақда видеоселектор йиғилишида гапирилган эди

## ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръати ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига бевосита боғлиқ. Жаҳон амалиётидан маълумки, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

3►




## Вилоят бўйлаб

**ТОШКЕНТ вилоятида** ҳудудларда фаолият олиб бораётган энг фаол ёшлар етакчиларидан иборат 30 кишилик "Етакчиларга кўмак" гуруҳи ташкил этилди.

Гуруҳ аъзолари маҳаллаларда юриб, ёшлар етакчиларининг ташкилий ва ҳужжат ишларига кўмаклашишади ҳамда йўл қўйилаётган камчиликлар юзасидан ёрдам беришади.



**АНГРЕН шаҳрида** республика Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ўтказган тадбир ҳудудда экологик барқарорликни таъминлаш мавзусига бағишланди. Тадбир доирасида халқаро ташкилотларнинг делегация аъзолари шаҳардаги 42-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб, ҳудудда ташкил этилган “Яшил патруль” клуби фаолияти билан танишдилар.



**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ тумани** “Агропилла” МЧЖнинг карантин хизмати томонидан чигиртка ва парвона ҳашаротига қарши курашиш мақсадида тут дарахтларига кимёвий ишлов берилмоқда. Туман ҳудудида 380 минг дона якка қатор тут дарахтлари ва 96 гектар тутзорлар мавжуд.



**ҚИБРАЙ тумани** ҳокими Музаффар Рашидов маҳаллаларда аҳоли билан сайёр қабул ўтказмоқда. Шунингдек, ташкилот ва корхоналар раҳбарлари, ишчи-ходимлар билан суҳбатлашиб, туманни янада ривожлантириш борасидаги режалари билан ўртоқлашмоқда.

**ПИСКЕНТ туманида** пахта хом ашёси йиғим-теримига киришаётган 110 та отряд аъзоларига зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.



## Журналист ва блогерлар ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари диққатига!

**Сизларни Тошкент вилоятининг Паркент туманида жорий йил 15-16 сентябрь кунлари ўтказиладиган "Узум сайли"га таклиф этамиз.**

Халқаро даражадаги тадбирга қизиқиш катталигини инобатга олиб, турли ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида, аккредитациядан ўтган журналистларга махсус рухсатномалар берилади.

Тадбирда иштирок этиш учун журналист ва блогерлар 14 сентябрь куни соат 16:00 га қадар рўйхатдан ўтишлари мумкин.

**Қўшимча маълумот учун телефонлар:**

**95 160 44 05; 95 160 44 06.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ

# “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига “**Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳудудлар кесимида ижро этилиши юзасидан** вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг **ахборотини ҳар чоракда эшитиш ва танқидий муҳокама қилиб бориш** тавсия этилсин.

5. **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** ва уни бажариш бўйича амалий чора-тадбирлар **ижроси**, тегишли **мақсадли кўрсаткичларга** эришилиши ва улар доирасида **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ўз вақтида **ишлаб чиқилиши** устидан **назоратни қуйидаги тартибда** амалга ошириш белгилансин:

а) Адлия вазирлиги Ҳисоб палатаси, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати билан биргаликда **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини тизимли мониторинг қилиб, унинг натижаларини **ҳар ойда** Республика комиссиясига киритиб боради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** ижросининг тегишли йилларда ҳудудлар кесимида амалга оширилиши бўйича **ҳар чоракда** назорат тадбирларини ўтказади;

в) Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси** амалга оширилишини **Бош вазир ўринбосарлари ҳузурида** танқидий кўриб чиқишни таъминлайди, **ҳар чоракда Ҳукумат мажлисларида муҳокама қилиб боради** ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан **Ҳукумат аъзоларига, шу жумладан, вазирларга нисбатан тегишли чоралар** кўради ҳамда **ҳар ярим йилда** Олий Мажлис Қонунчилик палатасига “**Ўзбекистон – 2030” стратегияси** амалга оширилиши юзасидан **ҳисобот тақдим қилади.**

6. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) **бир ой муддатда:**

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини **2023-2024 йилларда ҳудудлар кесимида амалга ошириш чора-тадбирлари** бўйича Ҳукумат қарорлари қабул қилинишини;

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясидаги йўналиш ва мақсадлардан келиб чиққан ҳолда **Бош вазир ўринбосарларига бириктирилган тармоқ ва соҳалар кесимида аниқ вазифалар** белгиланишини таъминласин.

7. Адлия вазирлиги масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг **сифатли ва ўз вақтида** ишлаб чиқилиши, келишилиши, жамоатчилик муҳокамасига қўйилишига амалий ёрдам кўрсатиб борсин.

8. **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси – халқ стратегияси”** шиори остида белгиланган ислоҳотларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида **“Тараққиёт стратегияси”** маркази:

Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **икки ҳафта муддатда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси** ижросининг таъминланиш даражаси, унда белгиланган ислоҳотларнинг сифатли амалга оширилишини **аҳоли томонидан ҳар бир мақсад ва ундаги кўрсаткичлар кесимида баҳолаш,** улар юзасидан **ўз фикрларини қолдириш** ва ташаббуслар билдириш **имкониятини яратувчи онлайн портални** ишга туширсин;

**ҳар ойда** баҳолаш натижалари ва аҳолидан келиб тушадиган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб, Республика комиссиясига тақдим этиб борсин;

2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (Ж.Қўчқоров) билан биргаликда **ҳар йили “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Барқарор ривожланиш мақсадлари”га мувофиқ** амалга оширилиши бўйича таҳлилни **жамоатчилик билан биргаликда** ўтказиш ва натижаларини эълон қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** ва уни тегишли йилларда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар бажарилиши якунларига бағишланган **ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни** таъминласин.

9. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги оммавий ахборот воситалари билан биргаликда мунтазам равишда:

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган **мақсад ва вазифаларнинг оммавий ахборот воситаларида**, шу жумладан, **Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини** ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка етказилишини;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси** доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ижроси ва белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш ҳолати юзасидан **аҳолига холис ва тўлиқ маълумот** етказилишини таъминласин.

10. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини **ҳар ярим йилда** муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида **ҳар йил якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ҚАРОРИ

# “ЎЗБЕКИСТОН – 2030” СТРАТЕГИЯСИНИ 2023 ЙИЛДА СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб:**

Тошкент шаҳрининг тиббиёт муассасаларида давлат томонидан **кафолатланган бепул тиббий хизматлар ҳажми** ва **дори воситалари рўйхатини амалиётга киритишни** назарда тутувчи **давлат тиббий суғуртаси механизмлари** босқичма-босқич жорий этилади;

ногиронлиги бўлган шахсларни **протез-ортопедия буюмлари, реабилитация** ҳамда **дори воситалари билан таъминлаш** ишлари **“ваучер” тизими** асосида босқичма-босқич ташкил этилади. Бунда, ногиронлиги бўлган шахсларга **товар ва хизматларни ўзлари танлаган етказиб берувчидан харид қилиш** имконияти яратилади ва уларнинг харажатлари **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** қоплаб берилади.

5. Хотин-қизларнинг **ижтимоий фаоллигини** ошириш, уларга **ўз салоҳиятини тўлақонли рўёбга чиқариши** учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида **2024 йил 1 январдан бошлаб** оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларни **қайта касбга тайёрлаш харажатларини** давлат томонидан қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

6. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 1-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 1а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 1б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. **“Ўзбекистон – 2030” стратегияси**нинг **барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши доирасида:

а) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб** тадбиркорлик субъектларига миқдори **10 миллион сўм**дан юқори бўлган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар учун, агар тадбиркорлик субъекти ҳуқуқбузарликни инкор этса, **молиявий санкцияларни фақатгина суд тартибида қўллаш** амалиёти йўлга қўйилсин;

б) **2024 йил 1 январдан** бошлаб:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларга ҳосилни суғурталашда **суғурта мукофотининг 50 фоизи миқдорида субсидия бериш** тартиби жорий этилсин;

**“Изланиш ва ривожланиш”** (R&D) марказлари учун улар ташкил этилган кундан бошлаб **3 йил муддатга** мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича ҳисобланган сумма миқдорининг **1 фоизини** тўлаш, уларнинг ходимлари учун ижтимоий солиқ ставкасини **1 фоиз** миқдорида ҳисоблаш тартиби жорий этилсин;

давлат улуши **50 фоиздан** юқори бўлган ташкилотлар томонидан ҳар йили амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари қийматининг камида **5 фоизини облигациялар чиқариш орқали молиялаштириш** тартиби жорий этилсин.

8. **2024 йил 1 январдан бошлаб** жисмоний ва юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғини **тўлиқ қайтариб бериш тизими** қуйидагилар ҳисобидан кенгайтирилсин:

**хорижий туристларга – Ўзбекистон халқаро аэропортларида** Ўзбекистон ҳудудида сотиб олинган ва “Tax free” тизими бўйича расмийлаштирилган маҳсулотлар учун;

**тур-операторларга** – хорижий контрагентлар билан шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг **қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлари** маъқуллансин:

**Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси**ни ташкил этиш ва унинг асосий вазифалари сифатида **энергетика, коммунал хўжалик, транспорт, экология, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа устувор соҳаларда** давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ҳужжатларини **сифатли ишлаб чиқишни** белгилаш;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан келиб чиқувчи давлатнинг тўғридан-тўғри ва шартли мажбуриятларини **мониторинг қилиш, бошқариш ва тартибга солиш тизимини** амалиётга татбиқ этиш;

Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш ва ижроси бўйича ҳисоботларда **бюджет харажатларининг барқарор ривожланиш миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш** (маркировкалаш) механизмларини жорий этиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров):

а) **икки ҳафта** муддатда:

халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда **Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш жамғармаси фаолиятини самарали ташкил этиш** бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларидан юзага келиши мумкин бўлган **давлатнинг мажбуриятларини бошқариш ва тартибга солиш механизмларини белгиловчи** Ҳукумат қарори лойиҳаси;

б) **2024 йил 1 январга қадар** Давлат бюджети харажатларининг барқарор ривожланиш **миллий мақсадларига мувофиқлиги ва иқлим ўзгаришига таъсирини кўрсатиб бориш** (маркировкалаш) **механизмларини** жорий этиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин.

10. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 2а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 2б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** йўналиши доирасида:

а) **2023 йил 1 ноябрдан** бошлаб:

ижобий экологик экспертиза хулосасини олмаган объектларга нисбатан **молиялаштириш, кредитлаш ва бошқа молия операцияларини тўхтатиб туриш** механизми жорий этилсин;

экологик ҳуқуқбузарлик содир этганларга нисбатан зарарни қоплаш билан бир қаторда, зарар етказилган **табиат объектини тиклаш** ва унинг **муайян муддат давомида муҳофаза қилинишини таъминлаш мажбурияти** юклансин;

б) **сув ресурсларини** муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида **2024 йил 1 январдан** бошлаб:

республиканинг узоқ муддатли **сув баланси прогнози**ни юритиш, шу жумладан, уни ҳар йили янгилаш ва сув ресурсларини тежаш дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг, кейинчалик эса, **босқичма-босқич республиканинг барча ҳудудларининг** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларига **сувни тежайдиган технологияларни** жорий қилиш учун кредитлар **10 фоиз** ставкада (фоиз ставкаларини субсидиялаш ҳисобига) ажратилиши таъминлансин;

в) **атмосферага зарарли** ташланмалар ҳажмини камайтириш мақсадида халқаро **“карбон маркет”** тизими доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар томонидан барпо этиладиган **яшил майдонларни ташкил қилиш харажатларини қисман жалб қилинган** грант маблағлари ҳисобидан компенсация **қилиш** амалиёти йўлга **қўйилсин**.

Бунда, барпо этилган **яшил майдон**лар (яйловларни озуқабоп экинлар билан, қишлоқ хўжалиги ерларини дарахтлар билан қоплаш) бўйича компенсациялар **иссиқхона газларини зарарсизлантириш даражасига мутаносиб** равишда ажратилади.

12. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 3-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 3а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 3б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш** йўналиши доирасида:

а) давлат хизматларини кўрсатишда **аҳолига янада қулайликлар яратиш** ва **ортиқча сансалорликларга барҳам бериш** мақсадида:

**2024 йил 1 январдан** бошлаб аҳолига **йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматларини** кўрсатишда, шу жумладан, автомототранспорт воситаларини **давлат рўйхатидан ўтказишда** автомототранспорт воситасининг **олди-сотди шартномалари** ва **бошқа нотариал тасдиқланган битимларни** “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизимидан олиш амалиёти йўлга қўйилсин ва ариза берувчилардан **мазкур ҳужжатларни талаб қилиш тақиқлансин**;

**2024 йил 1 мартдан бошлаб нотариал идорага келмасдан**, шу жумладан, **чет элдан туриб мол-мулкдан фойдаланиш** билан боғлиқ битимларни (мулк ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишдан ташқари) **электрон рақамли имзодан фойдаланиб**, **видеоконференцалоқа орқали расмийлаштириш** тартиби йўлга қўйилсин;

б) **2024 йил 1 январдан бошлаб** босқичма-босқич барча шаҳар ва туманларда **“Маҳалла бюджети”** тизими жорий этилсин.

Бунда, туман ва шаҳар бюджетларига тушадиган солиқ тушумларининг бир қисми маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш жамғармаларига йўналтирилиши белгилансин;

в) **ташаббусли бюджет амалиётини** ва маҳаллаларнинг **молиявий мустақиллигини янада кенгайтириш** мақсадида **2024 йилда** жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **10 триллион сўм**, шундан “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун камида **4 триллион сўм** йўналтирилсин;

г) **2024 йил якунига қадар** қонунда белгиланган асосларда тезкор-қидирув ва тергов ҳаракатларига санкция бериш масаласини алоҳида судьялар – **тергов судьялари** томонидан кўриб чиқиш тартиби жорий этилсин;

д) тадбиркорлик соҳасида жавобгарликни янада либераллаштириш мақсадида **2024 йил 1 январдан** бошлаб:

биринчи марта жиноят содир этган шахсни, агар у **суд маслаҳатхонага киргунига қадар** солиқлар ва йиғимлар, шу жумладан, пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида **давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилиш**;

тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўзғатилган ҳар бир жиноят иши бўйича тергов ҳамда суд жараёнида тегишли мансабдор шахс **жиноят иши материалларини иш юритувига қабул қилган вақтдан бошлаб** тадбиркорни ҳимоя қилишга Бизнес-омбудсман, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, тадбиркорлик субъекти аъзо ҳисобланган бошқа ташкилотни **жамоат ҳимоячиси сифатида жалб этиши** (хабар қилиш) тартиби жорий этилсин;

е) **2024 йил 1 январдан бошлаб** аҳоли пунктларида барча янги қурилаётган икки ва ундан ортиқ полосали автомобиль йўлларида пиёдалар ўтиш йўлакларини светофорлар билан тўлиқ жиҳозлаш мажбурий этиб белгилансин.

14. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 4а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 4б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатини изчил давом эттириш** йўналиши доирасида Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда жорий йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг учрашуви юқори савияда ўтказилишини таъминласин.

16. **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг “хавфсиз ва тинчликсевар давлат” тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш** йўналиши бўйича:

**2023 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси** 5-иловага мувофиқ;

**2023-2024 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар** 5а-иловага мувофиқ;

**2023 йилда ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари рўйхати** 5б-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) оммавий ахборот воситалари билан биргаликда **мунтазам равишда**:

**“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2023 йилда амалга ошириш натижаларининг** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғида ва ижтимоий тармоқларда кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини;

**“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида** амалга оширилаётган **барча тадбирларнинг ижроси ва натижалари** тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумот аҳолига тезлик билан етказилишини таъминласин.

18. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб **вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари** белгилансин.

Қарор ижросини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш **“Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси** зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 11 сентябрь

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

# ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бу ҳақида яқинда Президентимиз раислигида тармоқ ва ҳудудларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича мавжуд имкониятлар ва янги захираларни сафарбар этишга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида тўхталиб ўтилди.

Унда таъкидланганидек, ўтган етти ойда республикамизда саноат маҳсулотлари ҳажми 5,7 фоизга ўсиб, 345 трлн. сўмга етган. Бу кўрсаткич электротехника саноатида 46 фоизни, енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда 16 фоиз, қурилиш материалларида 12 фоиз, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқаришда 11 фоизни ташкил қилиб, юқори суръатларда ўсди.

Хусусан, Янгийўл туманида жорий йилнинг олти ойи давомида умумий қиймати 45,2 млрд. сўмлик 4 та лойиҳани ишга тушириш ва 156 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган эди. Амалда эса, дастурдан ташқари умумий қиймати 574,8 млрд. сўмлик 36 та лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 782 та янги иш ўрни яратилди. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, йил якунигача 849,7 млрд. сўмлик 54 та лойиҳани ишга тушириш ҳисобига қўшимча 2 минг 305 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилмоқда.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Мисол учун, “Текстиль-трикотаж мато ва тайёр кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳаси доирасида “Mirismoil tex invest” оилавий корхонасининг ишга туширилиши натижасида 25 нафар қўшимча иш ўрни яратилди ва йиллик бюджет тушуми 3 млрд. сўмга ортди.

Корхона 2018 йилда очилган бўлиб, тўлиқ Италия технологияси асосида жиҳозланган. Жараён ип-калавадан мато тўқиш билан бошланади, сўнг ранг берилади, махсус ускунада текисланиб, стандарт оғирликда қадоқланади. Матонинг маълум қисми шу ерда бичилиб, тикиш учун корхонанинг Навоий вилоятидаги филиалига юборилади. Кийимларнинг модели малакали мутахассис-дизайнерлар томонидан яратилади. Умумий ҳисобда корхонада 20 турдаги мато ва яна шунча кийим ишлаб чиқарилади.






– Йилига 40-50 минг дона маҳсулот тайёрлаймиз, – дейди корхона раҳбари Али Жабборов. – Маҳсулотимизни 100 фоиз Италияга экспорт қиламиз. Сабаби, сифати тўлиқ Европа стандарти талабларига жавоб беради. 2021 йилда 2,5 миллион евролик маҳсулот экспорт қилган бўлсак, ўтган йили бу кўрсаткич 7 млн. еврога етди. Жорий йилда эса 10 млн. евролик товар экспорт қилишни режалаштирганмиз.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**
*Жалолиддин ЭСОНОВ*
*олагн суратлар*

Нишондорларимиз

# Ойдин орзуларга ипакли йўллар

**Зубайда Пардаева учун бу тонг бошқача отди. Кайфияти аъло, юраги шижоат билан урарди. Эрталабдан «Иззаовул»га йўл олди. У ерда пиллакор Нодир Ражапов хонадонида тўртинчи мавсумнинг пилласи боқилиб, ипак қуртлари иккинчи уйқуга ётиш арафасида. Хабар олсинчи, балки бирор маслаҳат керакдир.**

Зубайда Пардаева ўзига бириктирилган ҳудудда 20 қути ипак қурти парваришламоқда. Аввалги уч мавсумда режа ортиғи билан бажарилиб, юзлари ёруғ бўлди. Ишни шу суръатда олиб бориш керак.



Шундай ўйлар билан кетаётган Зубайда Пардаеванинг хаёлларини телефон қўнғироғи тўзғитиб юборди: маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Комила Жуманазарова қўнғироқ қилмоқда экан:

– Лаббай, Комила, эсонмисиз?

– Ассалому алайкум, Зубайда опа! Табриклайман!

– Ҳа, қуллуқ-қуллуқ, раҳмат... – дея олди Зубайда опа. Пилла режасини ортиғи билан бажаргани учунми бу табрик, ёки ҳамкорликдаги ишлар самараси учунмикин? Зубайда опа англар-англамас, яхши гапдан суюнганича қуллуқ айтарди. Ҳоким ёрдамчиси сўзини изоҳлади:

– Президентимиз Сизга унвон берди! Унвон муборак, опа!..

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 августдаги «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Ўрта Чирчиқ туманидаги «Агропилла» масъулияти чекланган жамияти ҳудуд агрономи Зубайда Пардаева «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи» фахрий унвони билан мукофотланди.

Шу лаҳзаларда Зубайда опанинг 42 йиллик меҳнат фаолияти, чеккан заҳматлари кўз олдидан кинотасмадай ўтди.

Дарҳақиқат, ўз соҳасининг моҳир устаси, Ўрта Чирчиқ туманида ипакчилик агрономи сифатида фаолият кўрсатиб келган Зубайда Пардаева сўнгги йилларда «Агропилла» ишлаб чиқариш корхонаси эришган ютуқларга ҳам катта ҳисса қўшди.

Тажрибали агроном тумандаги деярли барча ҳудудларда бўлиб, пиллакорлар билан тажриба алмашади. Тутзорларнинг ҳолатига катта эътибор бериб, кўчатлар парваришини назорат қилади. Кўплаб инновацион ғоялар муаллифи сифатида туманда пилла тайёрлаш режасининг ҳар йили ортиғи билан бажарилишида унинг муносиб ҳиссаси бор.

З. Пардаеванинг ипакчилик соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари ўз эъзозини топди. У «Ўзбекистон мустақиллигига – 20 йил» эсдалик нишони, 2015 йилда «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Энди эса “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пиллачи” унвонига сазовор бўлди.

– Бу мукофотни туманимиз қишлоқ хўжалиги ходимларининг заҳматли меҳнатлари эътирофи, деб биламан, – дейди Зубайда Пардаева. – Ҳалол меҳнат қилган инсон, албатта, юзага чиқар экан. Бу мукофот мени, ҳамкасбларимни янги марралар сари руҳлантиради.

Зубайда опа умр йўлдоши билан фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишди. Ҳозирда невараларнинг севимли бувижониси.

У ўзининг ташкилотчилиги билан «Ўртаовул» маҳалласи хотин-қизлари орасида ҳам алоҳида ҳурматга сазовор. Ойдин орзуларга ипакли йўллардан юриб келган Зубайда Пардаева билан ҳамқишлоқлари ҳам фахрланишади.

**Анора ЖУМАДУЛЛО қизи,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**

## Сўраган эдингиз



***– Нодавлат олий таълим муассасалари талабаларига ҳам ижара тўловининг бир қисми қоплаб бериладими?***

*Дилнора ХЎЖАЕВА*
*Чирчиқ шаҳри*

**Жавоб: қоплаб берилмайди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 сентябрдаги 605-сон қарорида – фақат давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузги таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида таҳсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган барча талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаб бериш кўзда тутилган.



Қарорда нодавлат олий таълим муассасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг ижара пулини қоплаб бериш назарда тутилмаган.

***– Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани қанча муддат давомида олиши мумкин?***

*Манзура САЛИМОВА*
*Чиноз тумани*

**Саволга Тошкент давлат юридик университети Юридик клиникаси ходими Жавоҳир ЭШОНҚУЛОВ жавоб беради:**

– Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ нафақалар берилиши кўзда тутилган.

2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар, хусусан, бюджет ташкилотлари томонидан меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу низомда нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб, 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланиши, бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси, уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилиши белгиланган.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, хусусан, ҳомиладорлик ва туғиш таътили кунлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилгани тўғрисида низо кўрилаётган даврга тўғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Нафақа ойига бир марта — ойнинг иккинчи ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Шунингдек, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси низомга мувофиқ қуйидаги ҳолларда берилади. Масалан, вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда, санаторий-курортларда даволанганда, касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда, карантинда, сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

## Дарвоқе

**Яқинда маҳаллада бир гап тарқалди: қўшнимиз Бахтиёр ака кўп йиллар меҳнат қилиб яратган боғининг ярмини сотаётган экан. Очиғи, бундан жуда ажабландим. Боиси, у шу боғнинг орқасидан оила тебратаётган эди. Кейинчалик маълум бўлдики, қўшнимиз тезроқ бойиш илинжида онлайн қимор (тотализатор) ўйнаб катта қарзга ботган экан...**

# ҚИМОРГА БЎЛМАНГ ХУМОР!

## Ёхуд текин пишлоқ фақат қопқонда

Сўнгги вақтларда бу каби хабарлар бот-бот қулоққа чалиниб турибди. Интернет тармоғида анчайин оммалашган мазкур дастур унга кирган ҳар қандай инсонни бир зумда ўзига тобе қилиб қўяди. Ачинарлиси, шундоқ ҳам пулсизликдан қийналиб турганида тотализаторга “тушиб” қолганини кўтаролмай жонига қасд қилаётганлар ҳам кўпаймоқда.

– Бундан 3 йил олдин “1 XBET” дастуридан мўмай пул топиш мумкинлиги, кўплаб одамлар шунинг орқасидан катта маблағлик бўлгани ҳақида эшитиб қолдим, – дейди онлайн қимор ўйини жабрланувчиларидан бири. – Қизиқиб, дастурни юклаб олдим. Мен бунинг қимор эканини билмасдим. Бир-икки марта ютдим ва тўсатдан 1 млн. сўм атрофида ютқаздим. Кейин уни қайтариб оламан деб, яна ўйинга берилиб кетдим. Танишларим бу йўлдан қайтармоқчи бўлишди. Мен эса ҳеч кимга қулоқ солмай, ўйнашда давом этавердим. Натижада, 5 ойда 50 млн. сўм ютқаздим. Бўйнимгача қарзга ботдим. Ҳозир эса бу йўлга кирганимдан минг-минг пушаймонман. Айниқса, болаларимнинг ризқини қиморга тикканимдан афсусдаман.

Онлайн қимордан безарар чиқиб кетиш қийин масала. Айрим “профессионал”лар ўйинга берилиб кетганидан ҳатто кредит олиб, ўша маблағнинг ҳаммасини шу иловага тикишгача боришмоқда. Сабаби, ўйинга тобе бўлиб қолган инсон гўёки манқуртга айланади.

*Мен бунинг қимор эканини билмасдим. Бир-икки марта ютдим ва тўсатдан 1 млн. сўм атрофида ютқаздим.*




Миясида “Мен албатта ютаман”, деган фикр айланаверади. Танганинг иккинчи томони борлигини эса боши тошга урилганидан кейингина англаб етади...

Эътибор берган бўлсангиз, тотализатор ўйинлар сабаб содир бўлаётган жиноятлар сони ҳам ортмоқда. Хусусан, бундан чамаси 1 ой илгари ижтимоий тармоқларда “Бухорода тотализаторда салкам 100 миллион сўм миқдорда пул ютқазган шахс ўзи яшаб турган хонадонидаги сейфдан пул ўғирлаб, жиноят изини яшириш мақсадида сейфни ёқиб юборди” сарлавҳали хабар тарқалди.

Аниқланишича, Ғиждувон туманида яшовчи 20 ёшли Х.Г. қўл телефонидаги “1 XBET” иловаси орқали тотализатор ўйинларида иштирок этиб келган. Берилиб кетиш оқибатида ўйинга салкам 100 миллион сўм пул тиккан ва ютқазган.

*Қиморда 5 ойда 50 млн. сўмга тушиб, бўйнимгача қарзга ботдим.*

Иложсиз қолганидан сўнг, Х.Г. ота-онасининг хонасидаги темир сейфнинг эшигини бузиб, 100 миллион сўмга яқин пулларни ўғирлаган. Сўнгра жиноятини яшириш мақсадида сейф ичидаги қолган пуллар, хонадон ва оила аъзоларига тегишли ўнга яқин ҳужжатларни ёқиб юборган. Ётоқхонани тартибсиз ҳолатга келтириб, уйни гўёки “ўғри урган” тасвирини “яратган”. Бироздан сўнг ёнғин авж олмай туриб, оловни ўзи ўчирган ва гўё уйга келиб қолгану, шундай ҳолат устидан чиққандек бўлиб, ота-онасига қўнғироқ қилган. Терговга қадар суриштирув ишлари бошлаб юборилган. Айни шу жараёнда кучли стресс ва ҳаяжонда қолган Х.Г. айбини тан олган ва қилган хатти-ҳаракатига иқрор бўлган. Ота-она ўғлига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдирган.

2022 йил 6 апрелда давлатимиз раҳбарининг букмекерлик фаолиятини тақиқлаш бўйича “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унда республикада тотализатор ўйинларини тарғиб қилиш ёки ўйнаш қонуний жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши белгиланди.

Шунга қарамай, онлайн қимор ўйинларидан ўзини тиёлмаётганлар учраб турибди. Ажабланарлиси, улар орасида мансабдорлар ҳам бор. Мисол учун, Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида мансабдор шахс Умра зиёратига юбориш мақсадида жами 70 нафарга яқин фуқародан олган 1 млрд. 650 млн. сўм пулни онлайн қимор ўйинларига тикиб юборган. Тўлов қилган фуқаролар эса ўзларининг ҳокимият биносида алданишларини хаёлларига ҳам келтирмаганларини айтишмоқда.

**“Бухорода тотализаторда салкам 100 миллион сўм миқдорда пул ютқазган шахс ўзи яшаб турган хонадонидаги сейфдан пул ўғирлаб, жиноят изини яшириш мақсадида сейфни ёқиб юборди”**

Аслида, ҳар қандай замонда ҳам қимор ўйини қораланган. Интернет пайдо бўлмасидан олдин ҳам қимор қанчадан қанча одамлар ва оилаларнинг “бошини еган”. Таниқли ёзувчи Хайриддин Султоновнинг “Ё, жамшид” ҳикоясида ҳам қимор ўйнашнинг охири “вой”лиги тасвирланган.

Бугунги техника асрида эса интернет тармоқларида қиморнинг турли ўйинлар шаклидаги кўринишлари пайдо бўлди. Олиб борилаётган тарғибот ва тушунтиришларга қарамай, айримлар унинг домига илиниб, чангалидан чиқолмаяпти. “Бошқалар билан ишим йўқ, мен албатта ютаман”, деган фикр миясига ўрнашиб олган. Ваҳоланки, бунинг сароб эканини, текин пишлоқ фақат қопқонда бўлишини жуда кеч англашмоқда.

Бу йўлга кирмаслик учун эса озгина билим, фикрлаш ва дунёқарашни кенгайтириш кифоя. Акс ҳолда бу каби ҳолатлар содир бўлаверади.

**Суҳробжон САДИРОВ,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**



– *Сизлар бир гал мендан: “Жамиятимизда Сиз тарғиб қилаётган ахлоқ меъёрларига оғишмай амал қилиб яшаётган киши борми?” – деб сўраган эдингизлар. Мен ўшанда нима деб жавоб берган эдим? “Бор!” – деб жавоб берган эдим. “Ким?” – деб сўраган эдингизлар. “Султонмурод Олим!” – деб жавоб берган эдим. Тўғрими?* – дедилар.

Аудиторияда: *“Тўғри! Тўғри!..”* – деган товушлар янгради.

Бу кутилмаган гапдан жуда ғалати, очиғи, ноқулай бир ҳолатга тушганман ўшанда.

## Тўйхат ўрнида

дуҳ, яъни мақталаётган шахс гарданига катта бир масъулият юклайди.

Дунё – тасодифларга тўла. Ўзи, тасодифлардан қонуният излаш-ку ўринсиз бир уринишдан бошқа нарса эмас. Лекин ҳар бир тасодиф замирида Аллоҳ таолонинг қандай сири яширинганини ҳеч ким билмайди.

*“Бугун Абдулла Шер акамизни фахрий унвон билан табриклайман”,* – деб ният қилган куним болаларимнинг онаси ижодхонадаги кўзига балодай кўринган бир катта пакетни олдимга қўйиб:

Давомида муаллиф шу кунларда фуқаро мудофааси бўйича лагерда таҳсил олаётганини айтган.

Охиридаги хатбоши мени тамоман лол қолдирди. Тасодифни қарангки, унда бугун табрикламоқчи бўлганим Абдулла Шер акамиз ижодлари ҳақида гап борган экан. Мана, ўша жумлалар:



*“Сюда – в лагерь я взял с собой последние номера “Гулистона”. В одном из них я нашел несколько стихотворений молодого поэта Абдуллы Шера, которые мне более или менее понравились. Кажется, он немного идет в направление А. Орипова. Если ты смог бы достать кое-что больше из его произведений, я тебя был бы весьма благодарен”.*

Таржимаси: *“Бу ерга – лагерга ўзим билан “Гулистон” журналининг кейинги сонларини олиб келган эдим. Улардан бирида ёш шоир Абдулла Шернинг бир неча шеърини топдимки, улар менга анча ёқди. Афтидан, у бир оз А.Орипов йўналишидан кетяпти. Агар сен унинг шеърларидан кўпроқ топиб, юборсанг, жуда миннатдор бўлар эдим”.*

Абдулла Шер акамизнинг шеърларидан ГДРга жўнатганимни эслай олмадим. Энди ўйласам, кўп ўтмай бу немис оғайнимизнинг манзилини йўқотиб қўйдим. Суриштирсам, шахсий ҳаётида қандайдир муаммолар юзага келиб, Япониягами, Жанубий Кореягами бутунлай кетиб қолган экан. Ҳозир ҳам у ҳақда бошқа ҳеч нарса билмайман.

Майли-да.

Кўнгилдан кечадики, бу адабиётшунос ўзига ёққан шеърлар муаллифининг бир куни келиб Ўзбекистон халқ шоири бўлишини олдиндан сезгандай.

Бунақа ғайритабиий воқеа-ҳодисаларга мункир кишилар учун айтай: қирқ йил узуқ-юлуқ қоғозлар орасида ётган бу хат келиб-келиб айнан *“Ўзбекистон халқ шоири”* фахрий унвони берилган кунлари, айниқса, айнан *“Абдулла акани табриклайман”,* – деб турган маҳалимда топиладими?!

Хуллас, адабиётимизни кўтариб турган *“Абдулла”*лар сафи кенгайиб бораверсин!

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Тошкент амалий фанлар университети профессори**

# “АБДУЛЛА”ЛАР САФИ

**Исм – Худодан. Чақалоқ туғилганидан кейин яқинларидан бирининг кўнглига бир отни соладики, у қўйилади. Айниқса, *“Абдулла”,* яъни *“Аллоҳнинг қули”* деган юки оғир ном!**

**Ўзбек адабиётида Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов – қанчалар машҳур. Мана, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мустақиллигимизнинг 32 йиллиги арафасида Абдулла Шер акамизга ҳам *“Ўзбекистон халқ шоири”* фахрий унвони берилди. Шоир-ку – унвонсиз ҳам шоир. Лекин давлатнинг бундай эътирофи – бошқа гап-да. Ана энди баралла бу кишини юқорида саналган *“Абдулла”*лар сафига бешинчи вакил сифатида қўша оламиз.**

Аввало, акамизни муборак 80 ёшлари, кейин шу унвонлари билан чин дилдан табриклаймиз. Бу унвон шоиримизга куч, илҳом, рағбат бағишлайди, албатта. Яна ва яна яхши-яхши асарлар яратишга ундайди. Бундан адабиётимиз ютади, халқимиз баҳра топади. Бунинг учун Яратгандан у кишига узоқ умр тилаймиз.

Ака кўп йиллар ҳозирги Ўзбекистон миллий университетида ахлоқшуносликдан дарс бердилар. Шу фан юзасидан олий таълим муассасалари талабалари учун ажойиб дарслик ҳам яратдилар. Камина унга тақризчи бўлганман.

Кимга – қийин, ахлоқдан дарс берганга – қийин! Чунки бу соҳада: *“Домланинг айтганини қил-у, қилганини қилма!”* – деган мақол асло ўтмайди. Сўзи билан иши тўғри келмайдиган ҳар қандай кишининг қадри тушиб кетади-да. Ахлоқдан гапирган муаллимнинг ўзи, аввало, олий даражадаги ахлоқ эгаси бўлиши керак-да.

Республика Маънавият ва маърифат марказида ишлар эдим. Вазифа юзасидан Абдулла Шер акамиз ишлаётган Фалсафа факультетида ўтказилган бир маънавий-маърифий тадбирда иштирок этишга тўғри келди. Сўзга чиқдик ҳам.

Каминанинг нутқи тугагач, Абдулла Шер сўз олдилар. Талабаларга мурожаат қилиб:

Ҳар қанча ноқулай бўлса ҳам, айтай: яқинда таниқли адабиётшунос, доцент Раҳмон Қўчқор укамиз ижтимоий тармоқда каминанинг ахлоқи билан боғлиқ Абдулла Шер акамизнинг фикрларига яқин бир гапни ёзиб чиқди.

Бу ерда икки нарсага аниқлик киритиб ўтишга тўғри келади. Биринчиси шуки, кўплар *“ахлоқ”* деган киши фаолиятининг ҳайвоний нафс билан боғлиқ бир қисминигина тушунади. Йўқ: ахлоқ – комплекс масала. У инсон фаолиятининг ҳамма жиҳатини қамраб олади ҳисоб. Иккинчиси шуки, мақтов – қўл-оёғи йўқ нарса. *“Куракда турмайди”,* – деган иборани айнан мақтовга нисбатан ишлатса, кўпроқ тўғри келади. Чунки ҳар қандай таърифу тавсиф нисбий бўлиши мумкин. Масалан, тўй-тантана, юбилейларда энг мақтанчоқ кишини ҳам камтардан олиб, камтарга солаверамиз. Шунинг учун ақли жойида одам кўп ҳам мақтовларга учавермайди.

Лекин...

Бундай юқори баҳо, дўстона самимий муносабатдан кейин, ҳатто, кимсасиз бир кўчада кетаётганингда-да бир чеккага тупуришдан ҳам қўрқиб яшайсан экан...

Майли. Кимдир мақтовни *“мукофот”* деб ҳисобласа, ҳисоблайверсин. Аммо ҳар қандай таърифу тавсиф, аслида, мам-

– *Буларни бир кўриб чиқиб, керагини керак, нокерагини нокерак қилмасангиз, ҳеч бўлмайди, қаранг, хонани хунук қилиб ётибди,* – деб қолди-ку.

Бухорода: *“Хотин қилса амр, эр қорар хамир”,* деган ҳазил мақол бор. *“Қулоғим тинч бўлсин”,* десангиз, ҳамма ишни йиғиштириб, архивни саралашга тушасиз-да. Бошқа қандай йўли бор?!

Сарғайиб кетган “минг” йиллик қоғозлар орасидан бундан 40 йилча илгари собиқ Германия Демократик Республикасидан келган бир хат ҳам чиқиб қолди. Уни бир адабиётшунос биродаримиз жўнатган. Хато қилмасам, исм-фамилияси Рональд Райхард эди. Тошкентдан Берлинга борган икки немисшуносга манзилини берган эдим. Топиб боришибди. Яхши меҳмон қилибди. У Ленинград давлат университетининг Шарқ факультетини туркология бўйича тугатган, Тошкентга стажировкага келган, *“Ойбекнинг илк лирикаси”* мавзусида номзодлик диссертацияси бошлаган эди. Очиғи, Ойбекнинг Ўзбекистон Фанлар академиясининг камина 1976 – 1996 йиллари ишлаган ҳозирги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти нашр этган кўп жилдлигининг 1-жилдини мендан олган, ўрнига Ленинграддан “Қадимги туркий тил луғати” (Древнетюркский словарь)ни почта орқали юборган эди.

Олим исм-фамилиясини конверт юзига ёзгани, ундаги почта муҳрида сана ҳам акс этганини инобатга олиб бўлса керак, хатга уларни ёзмаган экан. Конвертни эса ташлаб юборган эканман. Аммо хатни қайта ўқиб чиқдим. У қуйидаги ўзбекча жумлалар билан бошланиб, кейин русчага ўтиб кетилган: *“Ассалому алайкум, азиз Султонмурод! ГДРдан Сенга дўстона салом бўлсин! Қандай, омонмисан, соғ-саломат юрибсанми?”*

## Саёҳат



# Хоразмда Хива бор...

**Жорий йилнинг 23 август куни ўтказилган “Энг улуғ, энг азиз” анъанавий кўрик-танловининг вилоят босқичида Тошкент вилояти Касаба уюшмалари кенгаши томонидан бир гуруҳ журналист ва ижодкорлар рағбатлантирилиб, Хива шаҳрига саёҳат учун йўлланмалар топширилган эди.**



Куни кеча ана шу сертификат соҳиблари пойтахтимиздаги Жанубий вокзалдан Хоразм томон йўл олишди. Саёҳат аввалида фахрий журналистлар кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдиришди.

**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими**

## Мана гап

**Умид қиламанки, у бир кун келиб бой бўлади. Орзу қилган ҳамма нарсасига эришади ва шунда уни кўп ўйлантирган саволларнинг жавоби бойликда эмас эканини англайди...**

**Жим КЕРРИ**

# СПОРТ хабарлари

## АСАДБЕК – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

**Жорий йилнинг 7-10 сентябрь кунлари Ливаннинг Байрут шаҳрида пара таэквондо бўйича Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди.**

Қитъанинг энг кучли пара спортчилари иштирок этган чемпионатда Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли қатнашиб, 3 та олтин, 3 та кумуш ва 5 та бронза – жами 11 та медаль билан умумжамоа ҳисобида 22 давлат орасида 2-ўринни эгаллашди. Хусусан, 80 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Тошкент вилояти Якка кураш спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби тарбияланувчиси Асадбек Тоштемиров барча рақибларини енгиб, биринчи ўринни қўлга киритди.

## БУ САФАР ИККИНЧИ ЎРИН

**Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида шахмат бўйича "Tata Steel India" турнири ўз ниҳоясига етди.**

Мусобақада иштирок этган ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов блиц баҳсларида 18 та тур якунига кўра 11 очко жамғарди ва иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳамюртимиз аввалроқ рапид баҳсларида 7-ўрин билан кифояланганди.

## ОЛТИ БОКСЧИДАН ОЛТИ ҒАЛАБА

**Сеул шаҳрида навбатдаги профессионал бокс кечаси ўтказилди.**

FW1 Promotion ҳамда “Фавзул Мунаввар” промоутерлик компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган проф бокс оқшомида 6 нафар чарм қўлқоп устамиз ҳам рингга кўтарилди. Марказий жанг ҳамюртимиз Эгамберди Нуриддинов ҳамда хитойлик Ма Хоа Жиэ ўртасида бўлиб ўтди.

Нуриддинов 6 раундлик жангни муддатидан аввал ўз фойдасига ҳал қилди.

Бошқа боксчиларимиз ҳам ажойиб натижа кўрсатишди. Жумладан, Дониёрбек Ҳайиталиев кореялик Ким Жу Хюнни очколар ҳисобига кўра енгди. Ҳуснидин Мараимов 3-раундда Вонг-Гу Лини, Довруғбек Ибрагимов 1-раунднинг 1-дақиқасидаёқ Жу Хюн Жунни, Шаҳзодбек Толибжонов 4-раундда До-Гйом Кимни техник нокаутга учратди.

Сирожбек Исмоилов ва Хё Хан Жеон (Жанубий Корея) ўртасидаги жанг спарринг мақомида ўтказилди. Унда Исмоилов 4-раундда рақибига аниқ зарба йўллаши натижасида жанг рефери томонидан тўхтатилди.

**“Тошкент ҳақиқати” мухбири Сухробжон САДИРОВ тайёрлади**

## Машҳурлар табассуми

### *Саволнинг бемаъниси*

Бир танқидчи Ҳемингуэйдан «Асарларингизда тасвирлаган мамлакатларнинг ҳаммасида ўзингиз бўлганмисиз?» деб сўрабди.

– Мен бу саволни «Дўзах»ни яратган Дантега ҳеч қачон бермаган бўлардим.

### *"Нуқул тик тураман..."*

Бир куни Марк Твен бир шаҳарга лекция ўқигани келибди-ю, сартарошхонага кирибди.

– Сиз яқинда келганга ўхшайсиз шаҳримизга?

– Ҳа.

– Омадингиз бор экан. Бугун Марк Твен лекция ўқийди. Борасизми?

– Ҳа, албатта.

– Лекин тик туришингизга тўғри келади – ҳамма билетлар сотилган.

– Буни қарангки, у қачон лекция ўқиса, менинг тик туришимга тўғри келади, – дебди Твен.

### *Симфония қандай ёзилади?*

Ҳаваскор композитор Моцартдан «Симфония қандай ёзилади?» деб сўрабди.

– Сиз ҳали ёш экансиз, балки баллада ёзишдан бошларсиз? – дебди Моцарт.

– Ўзингиз дастлабки симфонияларингизни ўн беш ёшда ёзгансиз-ку?

– Жуда тўғри, – дебди Моцарт. – Лекин мен қандай ёзишни ҳеч кимдан сўрамаган эдим.

### *Бильярдчи*

Бир ўртамиёна актёр Бернард Шоудан тавсиянома сўрабди. Шоу ёзиб берибди: «Бу актёр Гамлет, Ромео, Фердинанд ролларида ва пианино, флейта, бильярдда ўйнайди. Айниқса, охиргисида маҳорат билан ўйнайди.»

**Х. АБДУРАШИД тайёрлади**

## Эълон

## ИЛҲОМ ПАРИСИ КЕРАК!



“ШОИР ШАДДОД” хусусий корхонасига ИЛҲОМ ПАРИСИ лавозими учун турмушга чиққан, 20 ёшдан 40 ёшгача бўлган, гул билан пулнинг, шеър билан эрнинг фарқига борадиган хушмуомала аёл керак.

Ишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

*Паспорт нусхаси;*
*Никоҳ қоғозидан нусха;*
*Ота ҳовлисидан;*
*Келинлик уйидан;*
*Эрининг рашкка муносабати ва спортнинг қайси тури билан шуғулланганлиги ҳақида маълумотнома;*
*Бир дона “3-4” ва бир дона “60-90” фотосурат.*

Маош – шартнома асосида. Мукофотлар шоир олган қалам ҳақи миқдорига қараб белгиланади. Хизмат сафарида, шунингдек, байрамларда, шанба ва якшанба кунлари учун иш ҳақи икки баравар тўланади.

**Мурожаат учун: ўша номер...**

**Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ**




TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI





“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay’ati raisi)
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Sirojiddin ESHQUVVATOV
Tohir ARIPOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G‘ayrat SHERALIYEV



Qabulxona: (55) 520-64-95
Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10
Mas’ul kotib: (55) 520-05-10
Bo‘lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi: (55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Mas’ul kotib: Alloma AZIZOVA
Navbatchi: Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 20.00
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-931.
5 197 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6